

INCREASING THE CLASSICAL ACTIVITY OF FUTURE TEACHERS AS A PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL PROBLEM

Ibraimov Holboy Ibragimovich

Doctor of Pedagogical Sciences, Professor of the Department of Pedagogy and Psychology, Uzbek
State University of World Languages

Imam Ghazzali

The first silence of science, the last hearing, the last memorization,
to act later, then to disperse it.

Abstract:

This article describes the current requirements for the professional training of future teachers, the importance of increasing cognitive activity, the hierarchical pyramid of teaching methods, the stages of acquisition of knowledge and the future of the teacher.

Keywords: future teacher, knowledge, cognitive activity, knowledge acquisition, motive, interest.

Хозирги даврда ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаб ҳар қачонгидан юқори. Чунки жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва маънавий ҳолати энг биринчи навбатда шу жамиятнинг таълим тизими ва унинг сифатига боғлиқдир. Шу мақсадда 2019 йил 8 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Фармоннинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш [1] этиб белгиланди. Шунингдек фармонда:

– олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

– халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш [1] каби вазифалар алоҳида белгилаб қўйилди. Демак, хозирги кунда таълим сифати, бўлажак мутахассисларни тайёрлаш сифати давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ахборотлар жадаллик билан интеграциялашиб бораётган ҳозирги даврда замонавий таълимнинг асосий вазифалардан бири атроф-олам воқеа-ҳодисаларини билиш орқали мустақил таҳлил қила оладиган шахсни камол топтиришда намоён бўлади. Бу мақсадга, албатта, талабаларнинг билиш фаоллигини ошириб бориш орқали эришиш мумкин. Чунки инсон ҳамиша ўзини қуршаб турган олам ҳақида тобора кўпроқ билишга интилиб келган.

Фикрнинг билмасликдан билишга қараб, тўла ва мукаммал бўлмаган билимдан тўла ва мукаммал билимга қараб ҳаракат қилишдан иборат чексиз жараён билиш деб аталади. Бу

таъриф эса унинг тафаккурлаш, англаш, фикр юритиш билан бевосита боғлиқлигини кўрсатиб турибди. Яъни билиш – бу аввало фикрлаш, оламни бевосита англашдир.

Бўлажак мутухассисларнинг таълим жараёнида ривожланиши тўғрисида тўхталар экан, америкалик психолог Дж.Брунер шундай ёзади: “Биз фанларни дунёга кичик жонли кутубхоналарни келтириш учун ямас, балки ўқувчининг ўзини математик фикрлаш, муаммоларни тарихчи мисоли ўрганиш, билим олишда иштирок этишга ўргатиш учун ўқитамиз. Билиш – бу жараён, маҳсул эмас”[2].

Билиш фаолиятнинг ўзига хос кўриниши сифатида муайян тузилиш, ривожланиш ва фаолият қонуниятларига эга.


Билиш борлиқни идрок этиш, ўрганиш, машқ қилиш ва муайян тажриба асосида хулқ-атвор ҳамда фаолият кўникма, малакаларининг мустаҳкамланиб, мавжуд билимларнинг такомиллашиб, бойиб бориш жараёни ҳисобланади. Билишнинг муҳим компоненти **мотив**, яъни, таълимий характердаги ҳаракат, фаолиятни ташкил этишга нисбатан рағбатни ҳис этиш, эҳтиёжнинг юзага келишидир [3].

Билишнинг кейинги компоненти **ўқув ҳаракатлари (операциялари)** саналиб, улар анланган мақсадга биноан амалга оширилади. Ўқув ҳаракатлари ўқув жараёнини ташкил этишнинг барча босқичларида намоён бўлади. Ҳаракатлар ташқи (кузатиладиган) ва ички (кузатилмайдиган) кўринида бўлиши мумкин. Ташқи ўқув ҳаракатларига предметли ҳаракатлар (ёзиш, расм чизиш, тажрибалар ўтказиш); перцептив ҳаракатлар (тинглаш, фикрлаш, кузатиш, сезиш) ҳамда нутқдан фойдаланиш киради.

Ички (мнемоник, юнончадан “мнемоникон” эслаб қолиш маданияти) ҳаракатларга материални эслаб қолиш, уни тартибга солиш ва ташкил этиш, шунингдек, тасаввур ва фикрлаш ҳаракатлари киради.


Ҳар қандай билимни ўзлаштиришда талабалардан идрок этиш маданиятига эга бўлиш ва ўқув материални англаб етиш талаб этилади.

Америкалик психолог олимлар Р.Карникау ва Ф.Макэлроунинг тадқиқотига қараганда, шахснинг табиий физиологик, психологик имкониятлари муайян шаклларда ўзлаштирилган билимларни турли даражада сақлаб қолиш имконини беради. Шахс манбаъни ўзи ўқиганда 10%; маълумотни эшитганида 20%; содир бўлган воқеа, ҳодиса ёки жараённи кўрганда (иллюстрация) 30%; одир бўлган воқеа, ҳодиса ёки жараённи кўриб, улар тўғрисида маълумотни эшитганида (демонстрация) 50%; маълумот (ахборот)ларни ўзи узатганида (сўзлаганида, билимларини намоёниш этганида) 80%; ўзлаштирилган билим (маълумот, ахборот)ларни ўз фаолиятига тадбиқ этганида 90% ҳажмдаги маълумотларни ёдда сақлаш имкониятига эга экан (1-расм).




1-расм. Таълим методларининг иерархик пирамидаси

Билимларни ўзлаштириш жараёнининг тузилиши. Талабаларнинг ўқув фаолиятларини самарали бошқариш учун билимларни ўзлаштириш жараёнининг моҳияти ҳамда билимларнинг эгаллаш босқичларидан етарлича хабардор бўлиш. Билимларнинг эгаллаш қуйидаги босқичларда кечади (2-жадвал):



Билимларни эгаллашда ўзлаштирилган илмий маълумотлар босқичма-босқич бойиб ва мустаҳкамланиб боради. Бу ҳолат билимларни эгаллашнинг динамик характерини ифодалайди. Жараённи схема ёрдамида қуйидагича ифодалаш мумкин (3-расм):



Билимларни эгаллашнинг динамик характери

Билим олишга бўлган қизиқишни уйғотиш ва шакллантиришнинг муҳимлиги муаммолари кўпгина олимларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган. Уларнинг ишларини таҳлил қилиш асосида С.М.Бондаренко таълим, билим олиш жараёнининг талаба учун қизиқарли бўлишида муҳим аҳамият касб этадиган омилларни ажратиб кўрсатади. Таълим мазмунига ҳамда билим олиш жараёнига нисбатан бўлган қизиқишларни талабаларда шакллантиришда уларнинг билим олиш жараёнида мустақиллик ташаббускорлик ва ижодкорликни намоён этишларига аҳамият қаратилади. Таълим методлари қанчалик фаол бўлса, талабада билим олишга бўлган қизиқиш шунчалик ортиб боради. Талабаларда билим олишга бўлган мустаҳкам ва ишончли қизиқишни шакллантиришнинг асосий воситаси - ўқувчиларга бериладиган савол ва топшириқлар мазмуни, мураккаблик ва қизиқарлилик даражаси билан белгиланади.



Таълимга бўлган талабаларнинг қизиқишларини шакллантиришда муаммоли таълим муҳим рол ўйнайди. Бундай характердаги таълим фаолиятида талаба муайян қийинчилик ва тўсиқларга дуч келади ва шу боис ўзидаги билим заҳираларига мурожаат этади. Агар мавжуд билим, кўникма ва малакалари даражаси белгиланган топшириқни тўғри амалга оширишга етса, унда қониқиш ҳисси ва амалга оширган таълимий фаолияти самараси натижасида шу муваффақиятга эришганлигини англаб етади. Аксинча, муаммоли топшириқни бажара олмаса, унинг ечимини топа олмаса, ўзида мавжуд билим, кўникма ва малакалари даражасининг замон ва талаб даражасидан ортда қолиб кетганлигини теран англаб етади ва онгли тарзда билимларини оширишга киришади. Маълум бир ақлий фаолият, меҳнатни талаб қилмайдиган ўқув материали талабани ҳеч қачон қизиқтирмайди. Таълим жараёнида талабанинг маълум бир таълимий қийинчиликларни енгиб ўтиши билим олиш жараёнининг қизиқарли бўлиши шартидир. Лекин шуни унутмаслик керакки, ҳар қандай таълимий қийинчилик талабанинг физиологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда қўйилиши лозим, акс ҳолда, ўқув топшириғининг ҳаддан ташқари мураккаблиги боланинг таълим жараёни ва билим олиш фаолиятидан тезда бешишига олиб келади.

Бундан ташқари, анъанавий таълимда дарсларни ташкил этиш давомида "фокусировка" яъни, ўқувчилар диққатини тўплаш, даъват босқичи (2-3 дақиқа ажратилади) ҳам ўқувчиларни дарсларга қизиқтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Талабаларнинг таълим жараёнига қизиқишини шакллантиришнинг яна бир йўли талабада мақсадлар, ҳавас, шахсни ижтимоий ҳаётда ўз муносиб ўрнини топишга бўлган қизиқишнинг тайёр "шакл"ларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш ҳисобланади. Бунда талабанинг билим олиш жараёнида таълим материаллари мазмунидан келиб чиққан ҳолда жамиятда ўз ўрнини топишга бўлган онгли интилишни тарбиялайди.

Бу йўл ишонтириш, таъсир этиш, тушунтириш, ахборот бериш, намуна методларига асосланади. Бу жараёнда муҳим вазифани бевосита талаба яшаётган ва фаолият юритаётган жамоа, ижтимоий муҳит ва уларда яратилган қарашлар, анъаналар, шароит ва бошқалар ўтайди. Қачонки талаба ота-онаси, маҳалла, тенгқурлари ва бошқа жамият аъзоларининг билим, таълим олишнинг моҳиятини теран англаб унга нисбатан ҳаётий зарурат сифатида қарасагина, унинг бевосита таълимга нисбатан эътибори кучаяди. Шу орқали талабада таълимнинг жамият ва ижтимоий ҳаётдаги роли ва ўрнига ижобий муносабат шаклланади ва унга жиддий муносабатда бўла бошлайди, бошқача айтганда, унинг мустаҳкам қизиқишлари орта боради.

Демак, талабада билиш жараёнларига қизиқишни ошириш бир қанча омилларга боғлиқ:

- ўқитувчи маҳоратига;
- талабаларнинг ўқув-билув мотивларига;
- талабаларнинг ёш ва физиологик хусусиятлари ҳисобга олинганлигига;
- узатилаётган материалларнинг изчиллиги таъминланганлигига;
- ўқув материаллари (мазмун-моҳияти, амалий аҳамияти) га;
- дидактик ва техник воситалар (таълимда АКТ) самарадорлигига ва ҳ.к.

Талаба учун айнан унинг диққат ва эътиборини доимий тарзда тортиб турадиган фаолият ёки иш туригина қизиқарли эканлигини унутмаслик лозим.

Талабаларда таълимнинг жамият ва ижтимоий ҳаётдаги роли ва ўрнига ижобий муносабатни шакллантириш орқали унинг мустаҳкам қизиқишлари орта боради. Л.М.Фридманнинг эътирофича, ўқитувчи ўзининг таълим фаолиятида талабаларда мотивларни шакллантиришнинг ҳар иккала йўл ва усулларидан фойдаланиши мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси:
<https://lex.uz/docs/4545884>
2. Цитата по книге: Малькова Е. А. Современная школа США – 86.
3. Тоджибаева К. С. К. Формирование мотивационной сферы нравственных качеств учащихся //Проблемы педагогики. – 2017. – №. 4 (27).